


ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ СОҲАСИДАГИ САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 21 октябрь куни пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган IT-Паркка ташриф буюриб, лойиҳанинг иккинчи босқичига тамал тоши қўйиш маросимида иштирок этди.



Икки йил олдин 200 миллион доллар инвестиция ҳисобига ушбу лойиҳанинг биринчи босқичи амалга оширилган эди. Қарийб 4 гектар майдонда 20-25 қаватли 6 та офис биноси ва замонавий конгресс-холл барпо этилди.

Бу ерда мутахассислар учун барча шарҳоритлар яратилган, истиқболли стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида инкубация ва акселерация дастурлари ташкил этилган. Ахборот ҳамда молиявий технологиялари, логистика, электрон тижорат,

электрон таълим, биотехнология ва бошқа йўналишлардаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда IT-Парк резидентлари сони 3 минг 200 та компанияга етди, уларда 14 мингдан ортиқ мутахассис фаолият юритмоқда.



Ўтган йили резидентлар томонидан 1 миллиард 600 миллион долларлик хизмат кўрсатилган бўлса, жорий йил якуни билан бу кўрсаткич 2,5 миллиард доллардан ортиши кутилмоқда.

Экспорт ҳажми эса илк бор 1 миллиард долларлик маррадан ошиши режалаштирилган.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, 300 мингдан ортиқ ёшларни ахборот технологиялари соҳасида юқори даромадли иш билан таъминлаш мақсад қилинган.

— Ишончим комилки, бүгун тамал тоши қўйилаётган ушбу йирик мажмуа олдимиз-

га қўйган улкан марраларни забт этишда, шунингдек, инвесторлар билан Ўзбекистон ўртасида манфаатли ҳамкорликни янада қучайтиришда муҳим ўрин тутати, — деди давлатимиз раҳбари.

➤ *Давоми 2-бетда*

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдан мустаҳкам ўрин олган қутлуг сана — Ўзбек тили байрами куни билан сиз, азизларни, бутун халқимизни, чет эллардаги барча юртодшларимизни чин дилдан самимий муборакбод этаман.

Ушбу шукуҳли айёмда бир фикрни алоҳида таъкидлаб айтмоқчиман: бундан саккиз йил олдин мамлакатимизда бошлаган том маънодаги тарихий ислохотларимиз туфайли ўзбек тили ривожига ҳам янги давр бошланди. Бу борада қабул қилинган фармон, қарор ва дастурлар асосида унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва мақоми-ни мустаҳкамлаш, замонавий илм-фан, ахборот технологиялари ва халқаро муносабатлар тилига айлантириш бўйича катта ишларни амалга оширдик.

Хусусан, юртимизда географик объектлар номларини давлат тили меъёрларига мувофиқлаштириш ишчил давом эттирилмоқда. Бугунги кунга қадар 250 мингга яқин географик объект, жумладан, 200 мингдан ортиқ кўча номлари давлат тилига мувофиқлаштирилиб, реестрга киритилгани, фақат кейинги икки йилда тоғ ва чўққилар, дарё, кўл, сув омборлари, фойдалани қазилма конлари, метро бекатлари, темир йўл вокзали ва станциялари, аэропорт ва автостанциялар сингари 2600 та объект давлат тили таларари асосида қайта номланганини қайд этиш зарур.

Ҳозирги шиддатли глобаллашув жараёнлари, илм-фан ютуқлари орқали ҳаётимизга кенг миқёсда кириб келаётган янги тушунча ва атамаларни тилимизга аниқ қоида ва тамойилларга биноан қабул қилиш, тил сиёсатини илмий асосда, марказлашган ҳолда юритиш мақсадида Атаамалар комиссияси фаолияти кучайтирилди.

Хорижий сўз ва ибораларни кенг жамоатчилик, олим ва мутахассислар иштирокида ўзбек-чалаштириш бўйича самарали механизм жорий этилиб, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш учун махсус дастурий таъминот ишлаб чиқилгани, электрон манбалар яратилгани эътиборга сазовордир.

Шу ўринда бир фикрни яна таъкидлашни ўринли деб биламан: келажагимиз эгаси бўлган ёш авлодимиз замонавий билимлар, инновация ва тараққиёт чўққиларини эгаллаши учун албатта чет тилларини ўрганиши лозим. Лекин улар миллий рух, миллий тафаккур эгаси, ватанпарвар инсонлар бўлиб вояга етишлари учун, аввало, ўзбек тили ва адабиётини билишдан бошлаб пухта билишлари шарт.

Шу мақсадда таълим тизимида ўзбек тилини ўқитишни такомиллаштиришга жиддий аҳамият қаратмоқдамиз. Жорий йилдан эътиборан тегишли миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили фани ўқитувчиларининг ойлик маошига 50 фоиз қўшимча устама берилаётгани, таълим бошқа тилда олиб бориладиган мактабларнинг 11-синф битирувчилари учун давлат тили фанидан якуний имтиҳон топшириш белгилангани шу йўлдаги муҳим қадамдир.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилишда давлат тилини билиш талаби расман белгилангани ҳам тилимизнинг мавқеини оширишга хизмат қилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбек тилини ривожлантириш жағғармаси томонидан ўтган даврда 72 номда қомус, луғат ва қўлланмалар кўп-минг нусхаларда чоп этилиб, давлат идоралари ва таълим муассасаларига тақдим этилди.

Айниқса, олти жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, тўрт жилдли “Алишер Навоий энциклопедияси”, беш жилдли “Навоий тили луғати” ва бошқа нашрлар етакчи хорижий университетларнинг кутубхоналари, жаҳондаги ўзбек тили марказлари ва клубларига етказиб берилаётгани сафлари тобора кенгайиб бораётган ўзбек тили дўстларини мамнун этмоқда.

Биз инклюзив жамият барпо этиш тамойилларини тил соҳасидаги давлат сиёсатимизда ҳам муваффақиятли жорий этиб, мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари билан она тилларини ривожлантиришга муҳим аҳамият бермоқдамиз. Айни вақтда уларнинг давлат тилини ўрганишлари учун ҳам зарур шароитлар яратилмоқда. Бугунги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакиллари билан жипслаштиришга хизмат қилаётгани биргаликда олиб бораётган саъй-ҳаракатларимиз натижаси, десак, тўғри бўлади.

Азиз дўстлар!

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, ўзбек тилининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш борасида олдимизда турган муҳим вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.

Бу борада, аввало, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу байрам арафасида қабул қилинган “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан кўрсатиб ўтилган асосий мақсад ва вазифаларни ўз вақтида, самарали амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, ушбу қарор билан тасдиқланган “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2025-2026 йилларда

амалга ошириш дастури”ни ҳаётга жорий этишда нафақат масъул ва мутасадди ташкилотлар, балки барчамиз фаол иштирок этишимиз зарур.

Бу ҳақда сўз юритганда, рақамли оламда ўзбек тилида сифатли, илмий асосланган, қизиқарли ахборот ва маълумотларни кўпайтириш, хусусан, глобал электрон энциклопедия ва платформаларни давлат тилидаги илмий-оммабоп мақолалар билан бойитиш, онлайн луғатларни такомиллаштириш ҳам диққатимиз марказида бўлиши лозимлигини айтиб ўтмоқчиман. Ҳаётимизда сунъий интеллект таъсири ортиб бораётган бир пайтда бу қудратли восита ёрдамида она тилимизни ривожлантириш ва тарғиб этиш — давр талабидир.

Ўзбек тилининг бой имкониятлари асосида халқимиз тафаккурига мос ва жозибador миллий брендлар яратиш, махсулотларимизни ташқи бозорга олиб чиқиш маркетинг соҳасида асосий йўналишга айланиши зарур. Бу борада ватанпарвар тадбиркорларимиз алоҳида жонбозлик кўрсатадилар деб ишонаман.

Бундан ўттиз йил олдин қабул қилинган Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини қайта қўриб чиқиш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифаларимиз қаторига қиради. Шунингдек, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўртасида тил маданияти ва саводхонлиқни тарғиб қилишга қаратилган замонавий ва таъсирчан медиа махсулотларни кўпайтириш лозим. Айниқса, фарзандларимизни она тилимизга меҳр қўйиб, унинг беқиёс бойлиги ва имониятларидан баҳраманд бўлишга ўргатиш маънавий-маърифий тарбиянинг ажралмас бир қисмидир. Бу долзарб масала ижодкор зиёлиларимиз, таълим-тарбия, маданият, ёшлар, маҳалла, хотин-қизлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаолиятида доимо марказий ўринда туриши, бутун жамиятимизда умуммиллий ҳаракатга айланиши керак.

Бир сўз билан айтганда, барча соҳаларда бўлган каби она тилимизни ривожлантиришда ҳам биз кенг жамоатчилигимизнинг амалий фикр ва таклифларига, фаол иштирокига таянамиз.

Муҳтарам ватандошлар!

Сиз, азизларни бугунги қувончли байрам билан яна бир бор табриклаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга тинчлик-омонлик, бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

Миллий ўзлигимиз тимсоли бўлган жонажон ўзбек тилимиз янада равнақ топсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



СЕН БОРСАНКИ, ДУНЁДА БОРМИЗ!

21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида тантанали тадбир бўлиб ўтди

Мамлакатимизда она тилимиз мавқеи ва мақоми юксалтириш борасидаги ишлар мутлақо янгича босқичга кўтарилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни сифатида белгилангани эса унинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги аҳамиятини янада оширди. Айни кунларда ушбу сана миллат, маънавият ва маърифат байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

➤ *Давоми 2-бетда*

ФАРҒОНА БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК ФОРУМИ:

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН СИЁСИЙ МУНОЗАРА МАЙДОНИ

Маржон шодасини узиб, доналарини тарқатиш қанчалик осон бўлса, уни қайта тизиб бирлаштириш шунчалик машаққатли юмуш. Шунга қиёслаганда, ўртасига нифок, совуқчилик тушган халқлар, миллат ва давлатларнинг бирдамлигини, ҳамкорлигини тиклаш ҳам узок вақт талаб этадиган ўта оғир, стратегик нозик масаладир.

➤ *Давоми 3-бетда*

ЎЗБЕКИСТОННИНГ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТ СОҲАСИДАГИ САЛОҲИЯТИ ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Лойиҳага кўра, IT-Парк ҳудуди 1,5 баробар кенгайтирилади. Бу ерда Саудия Арабистонининг “DataVolt” компанияси билан ҳамкорликда қуввати 12 мегаватт бўлган 150 миллион долларлик “Дата-марказ” барпо этилади. Кейинги босқичларда яна 3 миллиард доллар инвестиция киритилиб, қувват 500 мегаваттга етказилади.

Бундан ташқари, ушбу ҳудудда жами 6 та бино — Сунъий интеллект маркази, Космос ва келажак технологиялари марказлари, 2 та 20 қаватли офис биноси, шунингдек, сервис ва савдо марказлари қурилади.

Бир сўз билан айтганда, мазкур мажмуа энг замонавий технологиялар, инновациялар ва билимларга асосланган “Сунъий интеллект хаби”га айланади.

Давлатимиз раҳбари капсула қўйиб, IT-Парк лойиҳасининг иккинчи босқичи қурилишига расман старт берди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев раислигида давлат бошқаруви, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларда сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Сунъий интеллект технологиялари иқтисодиётдан тортиб, таълим, тиббиёт, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқарув тизими-гача чуқур кириб бормоқда. Йил бошида 2030 йилга бориб, дунё иқтисодиётида сунъий интеллект ҳажми 15 триллион долларга етиши прогноз қилинган бўлса, ҳозирги тахлиллар бу рақам 20 триллион доллардан ортишини кўрсатмоқда.

— Бугун инсоният янги цивилизация босқичига — сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Қайси соҳа бўлмасин, ким бу жараёнда қаттиқ изланиб, аниқ натижа қилса, бир қадам олдинда юрса, марра шуники бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистонда ҳам сунъий интеллектни ривожлантириш бўйича алоҳида қарор қабул қилиниб, соҳанинг ҳуқуқий асослари

яратилди. Қисқа даврда давлат хизматлари, банк-молия, жамоат хавфсизлиги, транспорт каби йўналишларда 30 дан ортиқ пилот лойиҳалар ишга тушди.

Ўтган йили Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси тасдиқланди. Рақамлаштириш вазирлигида бу соҳа билан ишлайдиган алоҳида марказ ташкил этилди.

Натижада бир йил ичида мамлакатимиз сунъий интеллектга тайёргарлик бўйича халқаро индексда 17 поғона юқорилади, Марказий Осиёда 1-ўринни эгаллади.

Эндиликда вазирлар ва тармоқ раҳбарларини рақамлаштиришга масъул ўрин-босарлари бир вақтни ўзида соҳада сунъий интеллектни ривожлантиришга ҳам жавобгар бўлиши белгиланди. Шаҳар ва туманларда ҳам ҳокимларнинг рақамлаштириш ва сунъий интеллект бўйича маслаҳатчиси лавозими киритилади. Келгуси йилдан вазирлик ва ҳудудларда сунъий интеллектни жорий этиш ҳолатини баҳолайдиган рейтинг тизими ишга туширилади.

Хорижий экспертлар Ўзбекистоннинг сунъий интеллект соҳасидаги салоҳиятини 10 миллиард долларга баҳоламоқда. Буни имкониятга айлантириш ва дунёда сунъий интеллектга талаб ортиб бораётган ҳозирги даврда рақобатдош бўлиш учун 3 та энг асосий масала — инфратузилма, очик маълумотлар ва кадрлар тайёрлашга эътиборни қучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Соғлиқни сақлаш, энергетика, банк-молия, божхона-солиқ, транспорт, тоғ-кон ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида сунъий интеллект бўйича 100 та лойиҳа режалаштирилган. Уларни амалга ошириш учун шунга мос қувватлар, замонавий супер компьютерлар керак. Лекин ҳозирги мавжуд қувватлар фақат кичик лойиҳаларни ишга тушириш учун етади.

Шу боис, замонавий супер компьютер кластерлари ва “Дата-марказ”ларни қўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Бу йил

16 та супер компьютер сотиб олиш учун 50 миллион доллар ажратилди. Кейинги йил бу маблағ 2 қарра оширилади.

Соҳага инвестицияларни рағбатлантириш учун Қорақалпоғистонда имтиёзли режим жорий қилиниши белгиланди. Сунъий интеллект инфратузилмасига 100 миллион доллардан кўп сармоя киритган инвесторларга электр энергияси нархи 5 цент этиб белгиланади, IT-Парк имтиёзлари таъбиқ қилинади, импорт ускуналари божхона тўловидан озод этилади.

Шу билан бирга, олис ҳудудларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш учун кейинги йилдан “спутник интернет” операторлари фаолияти йўлга қўйилади. Улар беш йилга ер, мол-мулк, фойда ва қўшилган қўйимат солигидан озод этилади.

Вазирлик ва идоралардаги маълумотлар ҳар хил серверларда тарқок сақланаётгани, уларни форматлари турлича бўлгани сунъий интеллектни жадал ривожлантиришга тўсқинлик қилаётгани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, вазирлик ва идоралардаги 55 та, келаси йил қолган барча маълумотлар базаларини ягона “Дата-маркази”га ўтказиш топширилди.

— Сунъий интеллект дастурлари самарали ишлаши учун улар, аввало, ўзбек тилини мукамал даражада тушуниши зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбек тилидаги адабиётлар, маълумотлар, мақолалар, ҳисоботлар, илмий ишларни рақамлаштириш, сунъий интеллект миллий маданиятимиз ва қадриятларимизни ўзида ифодалай олиши учун “Ўзбек тили корпуси”ни яратиш зарурлиги қайд этилди.

Президент сунъий интеллект соҳасида кадрлар тайёрлашни, энг аввало, мактаблардан бошлаш кераклигини таъкидлади.

Шу муносабат билан кейинги ўқув йилидан “Информатика” фани ўқув дастурларида сунъий интеллектга оид мавзулар киритилади. Бунинг учун Массачусетс технологиялар институти билан ҳамкорликда махсус дарслик ишлаб чиқилади.

Ёшларнинг сунъий интеллектдан фойдаланишга доир ғояларини аниқлаш ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Бир миллион сунъий интеллект етакчиси” лойиҳаси кенгайтирилади ва бу бўйича миллий танлов ўтказилиб, энг юқори натижа кўрсатган ёшлар, уларнинг устозлари ва таълим ташкилотлари муносиб рағбатлантирилади.

Йиғилишда олийгоҳларда сунъий интеллект лабораторияларини ташкил этиш чоралари ҳам белгилаб олинди. “Янги Ўзбекистон” университетига “тармоқ — олийгоҳ — ҳамкор” тамойилида ишлайдиган “сунъий интеллект кластери” ишга туширилади. Олийгоҳларда сунъий интеллект, молявий технологиялар, киберхавфсизлик, IT-муҳандислик, аэрокосмик ва булутли технологиялар каби йўналишлар учун давлат гранти квоталари 35 фоизга оширилади.

Талабаларни сунъий интеллектга қизиқишини ошириш мақсадида ҳар бир ҳудудда олийгоҳлар жамоалари ўртасида сунъий интеллект бўйича умуммиллий танлов ўтказилади. Мукофот жамғармаси 1 миллион доллар бўлган “Сунъий интеллект соҳасидаги энг яхши стартап” танлови ўтказилади.

Умуман, соҳани ривожлантириш борасида етакчи компаниялар, хорижий экспертлар ва ватандошларимиз, йирик давлат корхоналари, банклар ва олийгоҳларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш мақсадида Сунъий интеллект альянсини тузиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Президент Шавкат Мирзиёев IT-Паркка таширф чоғида сунъий интеллект технологияларини мамлакатимиз вазирлик ва идоралари фаолиятига ҳамда бошқа соҳаларга кенг таъбиқ этишга қаратилган лойиҳалар тақдими билан ҳам танишди.

Бугунги кунда дунёда сунъий интеллект иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш ва хавфсизлик каби йўналишларда асосий таянч воситага айланмоқда. Ушбу

технологиялар давлат бошқарувида самардорликни ошириш, ресурслардан тежамкор фойдаланиш ҳамда аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш имконини бермоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда тизимли ислоҳотлар амалга оширилиб, натижада мамлакатимиз сунъий интеллектни жорий этиш бўйича юқори натижаларга эришмоқда.

Президент бу ютуқлар соҳада қўйилган илк қадамлар самараси эканини таъкидлади. Олдинда эса яна кенг қўллами вазир-фалар тургани айтилди. Шу боис, сунъий интеллектни ривожлантиришга оид лойиҳаларни эътибордан четда қолдирмаслик, илгор ташаббусларни амалиётга жорий этишни жадаллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Тақдиротда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда сунъий интеллект ечимларини жорий этиш, самарадор тажрибаларни кенг қўллаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сунъий интеллектни тез ва барқарор ривожлантириш учун хорижий ва маҳаллий тажрибаларни доимий таҳлил қилиш, соҳада фаолият юритаётган ёшларимиз, халқаро экспертлар ва хусусий сектор билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Бу йўналиш ривожининг энг муҳим омили малакали кадрлар тайёрлаш эканлиги қайд этилди.

Кадрлар тайёрлашни жадаллаштириш мақсадида бир қатор инновацион дастурлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, “Университет — саноат — халқаро ҳамкорлик” сунъий интеллект кластери лойиҳаси тақдимот қилинди. Бу ташаббус доирасида ўқувчиларда сунъий интеллект саводхонлигини ошириш, педагог кадрларнинг малакасини юксалтириш, соҳавий дарсликларни ишлаб чиқиш ва саноат учун замонавий мутахассислар тайёрлаш ишлари белгиланган.

Шунингдек, тақдим этилган “AI Maktab” платформаси эса ёшларни рақамли

қўникмалар ҳамда замонавий касбларга ўргатишга қаратилган. Платформа орқали иштирокчилар виртуал ёрдамчи, рақамли маркетинг, AI-контент яратувчи, бизнес-аналитик каби ўнлаб йўналишларда масофавий таълим олади.

Президент ушбу тажрибани кенгайтириш, муҳим соҳалар ривожига ёшларнинг илмий салоҳиятини жалб этиш муҳимлигини таъкидлади.

Шунингдек, сунъий интеллект бўйича илмий-ўқув лабораторияларини ташкил этишдан қутилаётган натижаларга эътибор қаратилди. Тижорат банкларида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳам муҳокама қилинди. Яқин истиқболда бундай илмий тадқиқот ва амалий лойиҳаларни олий таълим муассасаларида кенг йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари сунъий интеллект йўналишида фаолият юритаётган иқтидорли ёшларимизнинг “PrompLab”, “Detecting-AI.com” ва “KotibAI” каби инновацион лойиҳалари билан ҳам танишди.

Эътиборлиси, бу каби дастур ва иловалар кичик жамоалардан тортиб, йирик компанияларгача иш самарадорлигини ошириш, даромад манбаларини кенгайтириш ва интеллектуал меҳнатни энгиллаштиришда катта имконият яратмоқда. Бугунги кунда ушбу маҳаллий ишланмалар молия муассасалари, қурилиш соҳаси ҳамда ижодий жамоалар фаолиятида қўлланилаётгани қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев тақдим этилган чора-тадбир ва лойиҳаларни қўллаб-қувватлади. Сунъий интеллектни жорий этиш жараёнларини янада жадаллаштириш, илгор тажрибаларни амалиётга таъбиқ этиш бўйича тавсия ва топшириқлар берди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Шукуҳ

СЕН БОРСАНКИ, ДУНЁДА БОРМИЗ!



Бошланиши 1-бетда

Маънавиятнинг муҳим асосларидан бири бу — тил ва маънавий меросга муносабатдир. Юртимизда ўзбек тили нуфузи ва мақоми юксалтириш борасидаги узулсуз ва қатъий эътибор, тил, адабиёт, маънавият ва маърифатга миллат кўзгуси, халқ руҳи сифатидаги қарашлар ҳамда ёндашув бугун жаҳон ҳамжамиятининг этирофига сазовор бўлаётганига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Байрам муносабати билан “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида ташкил этилган тантанали тадбирда зиёлилар, давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи-шoirлар, тилшунос олимлар, адабиётшунослар, кенг жамоатчилик вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 21 октябрь — Ўзбек тили байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Коммуникациялар департаменти раҳбари — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Табрикда таъкидланганидек, сўнгги саккиз йилда амалга оширилаётган тарихий ислоҳотлар натижада ўзбек тили ривожига янги давр бошланганди.

Тилимизнинг давлат тили сифатидаги ўрни ва мақоми мустаҳкамлаш, замонавий илм-фан, ахборот технологиялари ва халқаро муносабатлар тилига айлантириш бўйича кенг қўллами ишлар қилинмоқда. Натижада дунё миқёсида 50 миллиондан ортиқ нуфус сўзлашадиган ўзбек тилининг қадр-қиммати, мақоми нафақат Ўзбекистон, балки халқаро миқёсда ҳам юқори поғоналарга кўтарилди.

Ушбу жиҳат ТУРКСОЙ ташкилоти бош котиби Султон Раевнинг видео табригида ҳам алоҳида қайд этилди. Бош котиб ўзбек тили умумтуркий дунёнинг ҳам бебаҳо бойлиги эканлигини таъкидлади.

Бугун тил сиёсатини янада такомиллаштириш, рақамли оламда ўзбек тилидаги ахборот ва манбаларни қўпайтириш, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиб, она тилимизни ривожлантириш зарур.

Қайд этилганидек, бу долзарб масала ижодкор зиёлиларимиз, таълим-тарбия, маданият, ёшлар, маҳалла, хотин-қизлар ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари фаолиятида доимо марказий ўринда туриши, бутун жамиятимизда умуммиллий ҳаракатга айланиши керак.

Ўзбек тилининг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини мустаҳкамлаш, уни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш борасида

...Бундан саккиз йил олдин мамлакатимизда бошлаган том маънодаги тарихий ислоҳотларимиз туфайли ўзбек тили ривожига ҳам янги давр бошланди. Бу борада қабул қилинган фармон, қарор ва дастурлар асосида унинг давлат тили сифатидаги ўрни ва мақоми мустаҳкамлаш, замонавий илм-фан, ахборот технологиялари ва халқаро муносабатлар тилига айлантириш бўйича катта ишларни амалга оширдик.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон халқига байрам табригидан).

олдимизда муҳим вазифалар турибди. Бу борада, аввало, Президентимизнинг байрам арафасида қабул қилинган “Давлат тилини янада ривожлантиришга оид

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди кўрсатиб ўтилган асосий мақсад ва вазифаларни ўз вақтида, самарали амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Хужжат



мамлакатимизда давлат тилининг нуфузи ва маъенини мустаҳкамлаш, уни ҳаётнинг барча жаҳаларида тўлиқ жорий этиш, шунингдек, ёш авлодда она тилига ҳурмат ва садоқат туйғусини қучайтиришга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Таъкидлаш лозимки, қарор билан тасдиқланган “2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш концепциясини 2025-2026 йилларда амалга ошириш дастури”ни ҳаётга жорий қилишда нафақат масъул ва мутасадди ташкилотлар, балки барчадан фаол иштирок этиш талаб этилмоқда.

— Давлат тилига эътибор мустақилликка эътибордир, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Маждид. — Она тилимизнинг давлат тили мақомига эга бўлиши миллиятимизнинг шаъни, обрў-эътиборини юксалтирди. Ҳар бир ишда кўзланган мақсадга эришиш учун ҳамжиҳатлик катта аҳамият касб этади. Шу маънода, ўзбек тили жонажон Ватанимизда яшайётган барча фўқароларимиз учун азиз ва қадрли тилга айланиши, унинг жозибадорлигини ошириш учун ҳаммамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз, ислоҳотларни ўзимиздан бошлашимиз, тилимиз учун жон қўйдиришимиз зарур. Бунда дахлдорлик туйғуси жуда муҳим ўрин тутди.

Инсон учун киндик қони томган Ватани, дунёга келтириб вояга етказган ота-онаси қанчаллик азиз ва муқаррам бўлса, унинг ўзлиги ва маънавий оламинини белгилайдиган она тили ҳам шунчаллик қадрли ва мўътабардир. Бундан 36 йил муқаддам ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши халқимизнинг миллий мустақилликка эришиши йўлидаги муҳим қадамларидан бири

бўлди, “Давлат тили ҳақида”ги қонун она тилимизнинг бор гўзаллиги ва жозибасини тўла намоеён этиш билан бирга уни илмий асосда ривожлантириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратди.

— Она тилига нисбатан эътиборсизлик, ҳурматсизлик миллий ғурур этишмаслигини белгиси, — дейди меҳнат фахрийси Эргаш Абдужабборов. — Миллий ғурурсиз миллатнинг келажаги, миллий бирлиги бўлмайдди. Бизни бугунги ёруғ қунарлагача етаклаб келган, ўтмишимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, аждодларимиз меросларини асрлар силсиласидан олиб ўтган, онамиз овозида қўлогимизга ала бўлиб қуйилган Она тилимизни қадрлаш ҳар биримизнинг зиммасидаги шарафли вазифадир!

Байрам тадбирида мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хорижий талабалар тилимизнинг нафосати ва жозибаси хусусидаги самимий дил сўзларини ўзбек шоирлари ижодидан намуналар ўқиб орқали изҳор қилди. Санъаткорларнинг қуй-қўшиқлари ва рақслар кечага кўтаринкилик бағишлади.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Нуриддинжон Исмоилов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳкамова иштирок этди.

Ўзбек тили байрами куни муносабати билан ўтказилаётган адабий-маърифий тадбирлар, учрашувлар мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ФАРҒОНА БИРИНЧИ ХАЛҚАРО ТИНЧЛИК ФОРУМИ:

ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН СИЁСИЙ МУНОЗАРА МАЙДОНИ

Бошланиши 1-бетда

Шу боис, Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти сифатида иш бошлаган илк йиллардан оқибатда эътиборини қўшни мамлакатлар билан илқ муносабатлар ўрнатилиш ва мустақамлашга қаратди. Аслида, Марказий Осиё халқлари кўп йиллик қардошлик алоқалари билан боғланган, тавбир жон бўлса, азалдан бир дарёдан сув ичган, қадриятлари, урф-одаи ўзаро яқин ва ўхшаш. Айниқса, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон халқлари ўртасидаги қўда-андачилик, қўшничилик муносабатлари асрлар давомида шаклланган. Муайян сабабларга кўра, давлатларимиз ўртасидаги дўстлик, биродарлик, яхши қўшничилик муносабатлари бир муддат сусайиб қолганди.

Президентимизнинг кучли сиёсий ирода-си, оқилона ташаббуслари ҳамда қўшни мамлакатлар раҳбарларининг хайрихоҳлиги, эзгу ташаббуслари қўллаб-қувватлови туфайли дўстлик, биродарлик ришталари яна маҳкам боғланди. Тинчлик-тотувлик, яхши қўшничилик муносабатлари қарор топди. Хусусан, шу йил баҳорда уч мамлакатнинг энг муаммоли ҳудуди бўлган Хўжандда қад ростлаган дўстлик стеласи давлатларимизнинг абадий дўстлик ва тинчлик-тотувлик рамзи бўлди. Мамлакатларимиз ўртасидаги барча низоли масалалар буткул ечимини топди. Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида уч мамлакатнинг давлат чегаралари туташган нуқтаси ҳудуди тўғрисидаги шартнома имзоланди. Яқинда бўлиб ўтган Фарғона биринчи халқаро тинчлик форуми ушбу тинчлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кейинги истиқболларига бағишланди. Унда уч мамлакат расмийлари ҳамда қатор халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Форумда мазкур ҳамкорлиқнинг давлатларимиз ривожига қўшадиган ҳиссаси ҳақида сўз борди, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий алоқаларни кейинги босқичга олиб чиқиш борасида янги ташаббуслар илгари сурилди, турли лойиҳалар тақлим этилди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида дўстлик ҳамда яхши қўшничилик алоқаларини тиклаш жараёнида ўзаро тенг манфаатли ҳамкорлик ўрнатилиш борасида қатор натижаларга эришилди. Иқтисодий алоқалар мустақамлашгани, кўп йиллик давомида ёпиқ турган транзит йўллари, чегара постлари очилди. Жумладан, 2018 йилда биргина Тожикистон билан боғлайдиган 8 та автомобиль назорат пункти фаолияти тикланди. 20 йилдан буён ишлаётган “Ғалаба — Амузанг — Хошад” темир йўл тармоғи фаолияти қайта йўлга қўйилди. Шунингдек, 2021 йилдан Тошкент — Душанбе — Тошкент мунтазам авиақатнови, 2022 йилдан Самарқанд — Душанбе, Панжикент — Самарқанд халқаро автобус қатнови ишга туширилди. Шу билан бирга, ҳудудлар ўртасида 5 та янги автотранспорт йўналиши очилди. Тошкент — Душанбе йўловчи поезди қатнай бошлади. Демак, ҳозир юртдошларимиз Тожикистонга исталган транспортда, исталган вақтда бориб кета олади. Бунга 2018 йилда икки давлат ўртасида виза режими бекор қилиниши имкон берди.

Қўшни Қирғизистон билан эса бу йўналишда янада салмоқли натижаларга эришилди. 2009 йилдан бери ёпиқ турган “Минг-тепа” ва “Хонобод” каби чегара божхона постлари очилди. Андижон, Фарғона вилоятларида Қирғизистонга автобус қатнови йўлга қўйилди. Поезд ҳаракати тикланди. Айни пайтда икки мамлакат фуқаролари давлат чегарасидан ўз паспорти, миллий ID карталар



билан ўта олади. Яратилган қўлайлик ва имкониятлардан фойдаланиб, одамлар фақат қариндош-уруғини кўргани эмас, балки саёҳат мақсадида ҳам чегараларни кесиб ўтмоқда. Хусусан, ўзбекистонликлар Иссиқкўл атрофидаги дам олиш масканларига тез-тез бориб туради. Ўтган йили кўл қирғоғидаги 4 та пансионатнинг эгаллик ҳуқуқи Ўзбекистонга тақдим этилгани юртдошларимизнинг ҳудудга қизиқишини янада оширди. Тожикистон, Қирғизистон фуқаролари ҳам саёҳат қилиш, тарихий қадамжоларга зиёрат мақсадида юртимизга келмоқда.

Халқимизда “Меҳр кўзда” деган ибора бор. Бу ўзгаришлар халқларимиз жипслиғи мустақамлашди, ўзаро тотувлик, дўстлик алоқаларини кучайтирди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ҳамкорлиқни ҳам янги босқичга кўтарилиди. Жумладан, Тожикистон билан 2018 йилда стратегик шериклик алоқалари ўрнатган бўлсак, 2024 йилда иттифоқи давлатларга айландик. Ўтган қисқа мuddатда Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик мисли қирилмаган даражага кўтарилди. Тожикистон Ўзбекистоннинг тўртта иттифоқчисидан бири экани икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий алоқалар нечоғлиқ мустақамлашни бораётганини кўрсатиб турибди.

Охириги йилларда икки давлат ўртасидаги савдо-сотиқ, товар айирбошлаш ҳамжи ҳам қаррасига ортди. Хусусан, сўнгги 7 йилда ўзаро савдо қиймати 197 миллион АҚШ долларидан 700 миллион долларга ошди. Бу вақтда Ўзбекистонга Тожикистон экспорти 3,5 баравар, Тожикистонга ўзбек экспорти 4 баравар кўпайди.

Бундай жозибдор рақамларни Қирғизистон мисолида ҳам келтириш мумкин. У Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ҳамкорлари ўнталигига кирган. 2023 йил якунига кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш қиймати бир миллиард долларга яқинлашди, яъни 2016 йилдагига нисбатан қарийб 6 баробар кўп. Икки давлат ўртасида Стратегик савдо-иқтисодий шериклик тўғрисида 2023-2025 йилларга мўлжалланган дастур қабул қилинган.

Юқоридagi рақамлардан ўзаро ҳамкорлик мамлакатларимизнинг ижтимоий-иқтисодий ўсишига катта ҳисса қўшаётганини аниқлаш мумкин. Иқтисодий ҳамкорлигимиздаги ўсишда “катта сакраш” юз бергани келгусида бундан ҳам юқори марраларни бемалол кўзлайвериш мумкинлигидан далолатдир.

“Фарғона водийси: тинчлик ва тараққиёт йўлида савй-ҳаракатларни бирлаштириш” мавзусида ўтказилаётган Фарғона тинчлик форуми ўзаро қўшничилик, ҳамжиҳатлик йўлида мақсад ва қарашларни бирлаштирди.

Нуфузли анжуман стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти томонидан Прогрессив ислохотлар маркази, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Тинчликни барпо этиш хаб ва бошқа халқаро тузилмалар ҳамкорлигида, шунингдек, БМТ ва Европа Иттифоқи кўмағида ўтказилди. Форумнинг асосий мақсади мулоқот, ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустақамлаш ҳамда Фарғона водийсини ҳар жиҳатдан ривожлантириш учун доимий платформа яратишдан иборат.

— Сув ресурсларига бой Фарғона водийси гидроэнергетикани ривожлантиришда улкан имкониятга эга, — дейди Қирғиз Республикаси “Қорадарё — Сирдарё — Амурдарё” сув хўжалиги ҳавзалари бошқармаси бошлиғи Мирзали Асатов. — Мамлакатлар сув-энергетика ресурсларини бошқариш ва яйловларни тақсимлаш масалаларида ўзаро мақбул ечим топмоқда. Бутун олдимизда Фарғона водийсини тинчлик, дўстлик ва яхши қўшничилик маконига айлантирган



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

бунёдкорлик жараёнларининг барқарорлиги ва қайтақурилиш мустақамлаш вазиёсида турибди. Хусусан, кўша сув-энергетика, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш

борасида истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. 2023 йил январда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон “Қамбарота-1” ГЭСи қурилиши лойиҳасини амалга ошириш бўйича “йўл харитаси”ни, 2024 йил июнда эса лойиҳани амалга оширишга тайёрларлик кўриш тўғрисидаги идоралараро битимни имзолади.

Бундай савй-ҳаракатлар Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги савй-ҳаракатлари Фарғона водийсининг ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳудудига айланишига хизмат қилмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш, хорижий сармояларни жалб этиш, янги технологияларни жорий этиш дастурларини ишга тушириш орқали энергетика хавфсизлигини таъминлашда комплекс ёндашувларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзаро манфаатларни ҳурмат қилиш, мурося, суверен тенглик тамойилларига мувофиқ бошқариш тизими йўлга қўйилгани сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имконини бермоқда.

Кейинги йилларда турли даражадаги трансчегаравий мулоқотлар фаоллашмоқда,

бутун Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг савй-ҳаракатлари ва ўзаро англашуви туфайли тинчлик, барқарор тараққиёт ҳамда имкониятлар маконига айланди. Чегаралардаги назорат-ўтказиш пунктлари ва транспорт коммуникациялари қайта ишга тушиши натижада уч мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти ҳажми 42 фоиз ошиб, 141,3 миллиард сўмга етди. 2016 йилдан бошлаб минтақавий ялпи ички маҳсулот ҳажми 2 баробар ошиб, 2024 йил якунига кўра 520 миллиард долларга кўтарилди.

Фарғона вилоятининг Бешарик туманида Тожикистон билан чегарада “Андархон” минтақавий савдо-логистика кластери қурилмоқда. Ундан 200 дан ортиқ объект — ишлаб чиқариш цехлари, дўконлар, меҳмонхоналар, банк ва логистика маркази ўрин олади. Бу лойиҳалар импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Марказий Осиёнинг саноат инфратузилмаси барқарорлигини таъминлаш бўйича янги имкониятларни тақдим этади.

— Бугунги форум ўз аҳамияти ва долзарблигига монанд қизғин суҳбат ва фикр алмашиш руҳида бўлиб ўтмоқда, — дейди Россия Фанлар академиясининг Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатлар миллий тадқиқот институти Марказий Осиё сектори мудири Станислав Притчин. — Чунки бутун дунёда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар ҳар бир давлат ва жамиятдан бирдамлик, ҳамкорлик, ҳар томонлама яқинлашуви талаб қилмоқда. Айниқса, бир ҳудуд, ўзаро яқин муҳит, ўхшаш аъаналар асосида асрлар давомида ёнма-ён яшаб келаётган ўзбек, қирғиз ва тожик халқларининг фаровон турмуши, давлатлар хавфсизлиги, жадал тараққиётида бу каби анкуманлар ва амалий савй-ҳаракатларнинг ўрни бекиёс. Буюк ипак йўлининг янгидаги тикланаётгани, иқтисодий ҳамкорлиқнинг чуқурлашаётгани, транспорт ва саноат кооперацияси ривожга мазкур ҳудудлар учун кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Ўзбекистонга, хусусан, Фарғонага биринчи марта келишим. Вилоятда туризм, қишлоқ хўжалиги, саноат бўйича жуда катта имкониятлар мавжуд. Риштон ва Қўқон каби қадимий шаҳарларда турли санъат йўналишлари ривожлантирилиётгани эътиборга молик. Ўйлайманки, қардош ва чегарадош давлатлар мутасаддилари ўзаро тажриба алмашиш асосида қўллаб соҳдаларда илчил ҳамкорлиқни йўлга қўяди. Бу эса нафақат Фарғона водийсида чегарадош давлатлар, балки Россия, Хитой, Қозоғистон каби мамлакатлар учун ҳам фойдали ва аҳамиятлидир.

Фарғона водийсининг ташқи дунё билан алоқалари ҳам фаол ривожланмоқда. Бутун у халқаро мултимодал транспорт йўлакларига интеграциялашиб, Шарқ ва Ғарбни боғловчи минтақалараро транзит хаб макомини босқичма-босқич тиклаб бормоқда. Шу нуқтан назардан, “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли лойиҳаси алоҳида аҳамиятга эга. Йўл Форс кўрғазини Тинч океанидаги портларга қўлай киришни таъминлайди, янги бозорларга чиқиш имконини беради. Шу орқали иқтисодиётни диверсификация қиладиган ва янги иш ўринлари очади. Хусусан, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистонни боғловчи мунтазам йўналишлар йўлга қўйилмоқда. “Қўқон — Шайдон”, “Қўқон — Хўжанд”, “Хўжанд — Фарғона”, “Тошкент — Хўжанд”, “Тошкент — Ўш — Иркиштом — Қашғар”, “Риштон — Равон”, “Қашғар — Иркиштом — Ўш” йўналишлари очилди.

— Ўзбек ва тожик халқлари асрлар мобайнида ўзаро ҳамжиҳатлик, яқин қўшничилик руҳида яшаб келган. Бу аъаналар сўнгги йилларда янгила қайфиятда давом этмоқда, — дейди Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти раиси Ражаббой Аҳмадзои. — Кенг кўламли ҳамкорлик ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида йўлга қўйилгани самардорлиқни қаррасига ортирди. Фарғона водийси азалдан тарихий қадамжолари, маданий мероси билан алоҳида аҳамият касб этган табаррук маскандир. Бу ерга келиб, Тожикистон ва Қирғизистон, Ўзбекистон нафақат бир-бирига чегарадош, балки азалий қадриятлари, урф-одадлари, касб-кори ҳамда юксак инсонпарварлик хислатлари билан ҳам бир-бирига ниҳоятда яқин эканига яна бир бор амин бўлдим. Эзгу аъаналар ва ташаббуслар бутун ҳар жиҳатдан янги босқичда ривожланиб бораётгани янада қувонарли.

Форум доирасида хунармандлар, ёш расомлар ва миллий маданий марказларнинг кўргазмалари, “Фарғона водийси халқлари дўстлиги” концерт дастури ташкил этилди. Форум иштирокчилари ушбу тадбир эркин фикр алмашиш, баҳслашиш ва қарорлар қабул қилиш учун муҳим майдон бўлганини таъкидлади. Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаган Тожикистон ва Қирғизистон вакиллари форумни мунтазам ўтказиб бориш зарурлигини билдириб, кейинги тинчлик форумига меъзолик қилиш ташаббусини илгари сурди.

Санжар ЭШМУРОВ,
Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари
Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.

Сўз — анжуман иштирокчиларига

Кейт ФЕРОН,
Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти
низоларнинг олдини олиш маркази директори:

— Ушбу тадбирда қатнашиш учун Ўзбекистонга яна келганимдан жуда мамнунман. ЕХХТ Фарғона тинчлик форумининг биринчи йиғилишига ўз ҳиссасини қўшганидан faxрланамиз.

Сиз ўтмиш билан солиштирганда нима ўзгарганини сўрадингиз. Мен иккита асосий омилни таъкидлаган бўлардим.

Биринчиси, сиёсий ирода. Биз уч давлат Президентлари савй-ҳаракати минтақадаги вазият қандай янги босқичга кўтарилиши ва давлатлар ўртасида ҳам, мамлакатлар ичиди ҳам яхши қўшничилик ва ишонччи мустақамлашга асосланган аниқ қарашларни шакллантирганини кўриб турибмиз.

Иккинчи омил — одамлар. Бу нафақат сиёсий етакчилар, балки оддий фуқаролар ҳақида ҳам. Одамлар ўзгаришларни қабул қилиш, бир-бирига ишонилиш ва узоқ вақтдан бери кутган орзуларини амалга оширишга тайёр эди: чегараларни эркин кесиб ўтиш, қўшнилар билан савдо-сотиқни ривожлантириш ва ишончга асосланган муносабатлар ўрнатилиш.

Форум жуда юқори савияда ўтди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистондан юқори даражадаги вакиллар қатнашди. Бу мисли кўрилмаган ва



шунинг учун тарихий аҳамиятга эга. Форум жорий йил аввалида, жумладан, Хўжандда эришилган ғоя ва келишувларга асосланган ҳамда уч мамлакат Президентларининг сиёсий қарашларини акс эттирди.

Биз биргаликда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун минтақада ишонч ва барқарорликни мустақамлайдиган турли йўналишлар бўйича ишлаймиз.

Сабина МАХЛ,
БМТнинг Ўзбекистондаги
доимий координатори:

— Илгари Фарғона водийси кўпинча можаорлар билан боғлиқ бўлган, бутун эса бутунлай бошқача муҳитни кўрпямиз. Яъни давлатлар қандай ҳамкорлик қилиши, бу ижтимоий сўратдан унумли фойдаланиши ва минтақани биргаликда ривожлантириши мумкинлиги ҳақида сўзлашпямиз.

Ўзаро англашувга эришилди, давлатлар ўртасидаги чегараларни кесиб ўтиш сезиларли даражада осонлашди. Бу ҳамкорликда ишлаш ва минтақа халқларининг ўз мамлақати ривожига ҳисса қўиши учун қатор имкониятлар яратмоқда. Ўзбекистон раҳбариятининг сўнгги йиллардаги ислохотлари яхши қўшничилик муносабатларини мустақамлаб, очиклик ва шаффофликни таъминламоқда. Минтақадаги бошқа давлатлар ҳам бу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Менимча, бу ҳали бошланиш.

Президент Шавкат Мирзиёев яқинда Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясида сўзлаган нутқида давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни таъминлаш учун мулоқот зарурлиги, глобаллашган дунёда ечимларни биргаликда излаш муҳимлигини таъкидлади. Давлатнинг раҳбари амалга ошираётган ислохотлар, улардан одамларнинг чинакам баҳраманд бўлиши — аҳолининг соғлом, билимли, ўз истеъдодини



юзига чиқариш имконига эга бўлишни таъминлашга қаратилган.

Бу — келажак учун тўғри йўл ва Марказий Осиё қўшнилар ўртасида тинчлик ва ҳамкорликка эришишнинг намунаси бўла оlishини бутун дунёга кўрсатиш мумкин. Ушбу тажриба сув ресурслари, чегара ва бошқа муаммоларга дуч келаётган бошқа минтақаларни илҳомлантириши мумкин.

Илгари бу ерда чегараларни кесиб ўтиш жуда қийин бўлган. Энди эса вазасиз ҳаракатланиш ҳам мумкин. Бу савдо-сотиқни осонлаштирди, яқин қариндошларнинг учрашишига имкон берди ва одамлар учун янги имкониятлар эшигини очди. Буларнинг барчаси ижтимоий ўзгаришлар, бу тараққиёт давом этишига чин дилдан хайрихоҳман. Марказий Осиё ҳақиқатан тинч ва конструктив минтақавий ҳамкорлик намунасига айланмоқда.



UNITING EFFORTS FOR PEACE AND PROGRESS

Хон СОҲАИЛ,
Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бош котиби
ўринбосари:

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти минтақада рўй бераётган ижтимоий ўзгаришларни юқори баҳолайди. Буларнинг барчаси миллий етакчиларнинг оқилона қарорлари ва сиёсий иродаси туфайли амалга ошди. Кўп нарсамамлакатлар раҳбарларининг сиёсий иродасида, тинчликка интилиш ва ўзаро ҳамжиҳатлигига боғлиқ, Дунёда қўллаб можаорлар бўлиб келган, шундай бўлиб келмоқда ва афсуски, давом этаверади, бироқ уларнинг ҳеч бири фойда келтирмаган. Тангликнинг олдини олиш учун пайдо бўлган муаммоларни имкон қадар тезроқ дипломатик йўл билан ҳал қилиш жуда муҳим.

Ўйлайманки, бу қадамлар ўз вақтида амалга оширилмоқда. Сиз яқин келажакда ушбу сиёсатнинг аниқ самараларини кўрасиз. Фарғона водийси, бутун минтақа тинчлик, ҳамкорлик ва фаровонлик маконига айланиши учун қўллаб имкониятга эга.



Барқарор ривожланиш нафақат эришилганларни сақлаб қолиш, балки доимо олға интилиш — ижтимоий ўзгаришларнинг афзалликлари аҳолининг барча қатлами учун оқиб бўлиши учун олдинга қараб ривожланиш демакдир. Бу жараён аллақачон бошланган ва бутунгидек учрашувлар унга янада кучли туртки беришига ишонамиз.

“Дунё” АА
Фарғона

